

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ**

**Қўлёзма хукуқида  
ББК: 67.402(59)**


**РЕЙМОВА ЗУХРА АБАТБАЕВНА**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ  
ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ  
МАҚОМИ**

**Ихтисослик: 12.00.02 – Давлат ҳуқуқи ва бошқарув;  
маъмурӣ ҳукуқ; молия ҳуқуқи**

**Юридик фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун ёзилган  
дисертация**

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**



**ТОШКЕНТ-2004**

ЗЧС (C52) (043,3)  
Р-38

Диссертация Тошкент Давлат юридик институтининг давлат  
хукуки ва бошқаруви кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар :

юридик фанлари доктори,  
профессор А.Т.Тұлаганов

Расмий оппонентлар:

юридик фанлар доктори  
М.Бойдадаев

юридик фанлари номзоди  
доц. Х.Рұзметов

Етакчи ташкилот :

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон  
Миллий университети

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қопидаги  
фан доктори илмий даражасини химоя этиш учун ташкил  
қилинган Д.005.10.01 Бирлашған Ихтисослашған Кенгаш  
мажлисінде 200<sup>4</sup> йил 15 куни соат 14:00 да бўлиб ўтади  
(Манзил: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси  
кутубхонасида танишиш мумкин (700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон  
шоҳ кўчаси, 45).

Диссертация автореферати 200<sup>4</sup> йил 14:15 да тарқатилди.

Д.005.10.01 Бирлашған ихтисослашған  
Кенгаш илмий котиби, соңғ.д.

*А.Ж.Холбеков*

А.Ж.Холбеков

## I ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ҳокимиятнинг бўлиниши ва бошқа демократик тамойилларга асосланган янги давлатчиликни барпо этиш стратегик вазифа сифатида белгиланди. Республика мустақил ривожланиши мобайнида бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг конституциявий, ҳукукий ва амалий пойдевори барпо этилди, бошқарувнинг янги тизими вужудга келди. Зоро, бу борада Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, "биз фуқаролик жамияти куришга интилмоқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатчиликимиз ривожлана борган сари бошқаришнинг турли хил вазифаларини бевосита ҳалқга топшириш, яъни ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир"<sup>1</sup>. Бинобарин, фуқаролик жамиятини куриш эса ўзини ўзи бошқариш органларини такомиллаштириш орқали амалга оширилади.

Ўтган ўн бир йил ичидаги юртбошимиз И.А. Каримов боғчилигига мамлакатимизнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаолиятини такомиллаштириш борасида муҳим ва кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Шу боисдан, Қорақалпогистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнларининг ҳукукий асослари Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовнинг асарларидаги таълимотлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилмоқда. Бу жараённи самарали кечиши демократик ҳукукий давлат ва фуқаролик жамияти қураётган Қорақалпогистон Республикаси учун ҳозирги кунда муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида таъкидлаганлардан келиб чиқиб, давлат ва жамият ҳаётини демократиялаштириш, бозор иқтисодиёти муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнлари Қорақалпогистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳукукий мақомини чукур таҳлил қилиб чиқиши заруратини кўрсатмоқда. Сўз фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тизими ва вазифаларини амалга ошириш механизмининг ҳукукий асосларини мустаҳкамлаш ҳақида бормоқда. Зоро, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов иккинчи чақириқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида сўзлаган нутқида: "Фуқаролик институтлари ва ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш учун энг мақбул ташкилий-ҳукукий механизмларни, яъни тегишли қонунчилик асосини шакллантириши, ташкилий-техникавий, моддий

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т: Ўзбекистон, 1998. 536-б.

шарт-шароитларни, давлат ва жамоат бирлашмалари ҳамкорлигининг самарали усул-услубларини вужудга келтириш ўта муҳим аҳамият касб этади<sup>1</sup>, – деб таъкидлади. Шу боис бутунги кунда давлат ҳокимииятининг, Қорақалпогистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ҳукуқий тартибга солиш масалаларини янада такомиллаштириш, молиявий-иктисодий таъминлаш, уларни шакллантириш борасида мавжуд бўлган муаммоларнинг ечимини топиш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

**Муаммонинг илмий ишланганлик даражаси.** Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпогистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш масалалари доимо турли соҳа олимларининг диккат-эътиборида бўлиб, маълум даражада тадқиқ қилинган. Лекин аксарият олимларнинг асаларида Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпогистон Республикасидаги давлат бошқарувининг тарихий босқичлари таҳлил этилиб, бутунги кунда Қорақалпогистон Республикасидаги ижтимоий-сиёсий аҳволни ва қабул қилинган янги конун ҳужжатларини инобатга олган ҳолда маҳсус тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Қорақалпогистоннинг Ўзбекистон таркибида суверенитетга эришиши натижасида республикада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими шаклланди. Бу соҳада кўплаб илмий ишлар нашр қилинган бўлса ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳукуқий мақомини белгилаш ва уни янада такомиллаштириш борасида комплекс тадқиқотлар деярли амалга оширilmаган. Шу боисдан Қорақалпогистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ташкил этилиши ва уларниң ҳозирги даврдаги ривожини ҳар томонлама ўрганиб, талқин қилиб чиқиш энг долзарб масалаларидан бири эканлигини тасдиқлади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти собиқ Совет Иттифоқи республикаларининг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тизимини тадқиқ қилган бир қатор олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган<sup>2</sup>. Уларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий йўналишлари, уларниң ишларини ўюнтириш, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг давлат ҳокимииятининг бошқа ваколат органлари билан ўзаро муносабатлари масалалари таҳлил қилинган. Шу билан бирга, ўрганилган масалалар

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ислохотларни чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришининг асосий йўналишлари. Халқ сўзи. 2001 йил 31 август

<sup>2</sup> Барабашев Г. В. Непосредственная демократия в системе социалистического самоуправления народа // Политическое самообразование. – 1985. – №9; Белых А. К. Управление и самоуправление // Социальное управление: сущность и перспективы развития. – Ленинград, 1972. – С. 94–95; Волков А. Социалистическое самоуправление народа: некоторые аспекты проблемы // Политическое самообразование. – М., 1986. – № 1; Гулиев В. Е. Теоретические вопросы социалистического самоуправления // Советское государство и право. – 1986. №2. – С.7; Ильинский И.П. Социалистическое самоуправление народа. – М., 1987; Комилов К. Совет давлати ва жамоат ташкилотлари – Т., 1967. 228-б; Султонов С. А. Совет курилиши. – Т., 1984. 242-б; Тикомиров Ю. А. Социалистическое самоуправление народа. – М., 1986; Тропинин Б. Н. Развитие социалистической демократии и самоуправление народа. – М., 1985.

халқ депутатлари Советларининг негизида тұлға, башқариш тамойилларига асосланган. Шунинг учун ҳам бу ишларни таҳдил килиш, албатта, тадқиқ қилинаёттан мұаммоларга янги фикрларни хисобға олиш билан амалға оширилади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдүстлігі олимларидан С.А. Авакьян, Г.В. Барабашев, В.И. Васильев, Е.Н. Козлов, М.А. Краснов, В. Кацо, О.Е. Кутафин, И.И. Овчинников, В.И. Постовой, Б.Т. Прохоров, Д.Д. Рагулин, А. Леонова, В.В. Таболин, Н.В. Фадеев, К.Ф. Шеремет каби олимлар фуқароларнинг ўзини ўзи башқариши масаласыга доир махсус илмий тадқиқотлар үтказғанлар<sup>1</sup>. Уларда фуқароларнинг ўзини ўзи башқариш органлари тизимида амалға оширилаёттан ислоҳотларининг янги йұналишлари таҳдил қилинган. Бу ишлар бир қатор мухим концептуал режаларга зәға бўлғанлиги туфайли муаллиф томонидан таҳдил қилинди ва фойдаланилди.

Ўзбекистонда ушбу мавзу билан боғлиқ мұаммоларни тадқиқ этган, шунингдек, ҳозир ҳам фаолият олиб бораёттан олимлар А.Азизхұжаев, С.Бобокулов, А.Ваҳобов, Ш.Жалилов, З.Исломов, К.Комилов, Ҳ.Одилқориев, А.Х. Сайдов, Р.Сиддиков, М.Сувонқулов, О.Хусанов, А.Т. Тұлаганов, Э. Халилов, У. Чориёровлар фуқаролар ўзини ўзи башқариши тизимининг айрим назарий ва амалий жиҳатларини илмий нуқтаи назардан таҳдил қилғанлар<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Барбашев Г. В. Местное самоуправление – М., 1996; Васильев В. И. Местное самоуправление – М., 1996; Емельянов Н. А. Местное самоуправление в зарубежных странах – М., 1998; Он же. Муниципальные системы зарубежных странах – М., 1998; Постовой Н. В. Местное самоуправление: история, теория, практика – М., 1995; Прохоров Б. Т., Кацо В. С. Органы территориального самоуправления в системе местного самоуправления // Государство и право. 1997. №4. – С. 46–53; Таболин В. Б. Организационно-правовые основы деятельности органов самоуправления в крупных городах. Автореф. дис. – д-ра юрид. наук – М., 1999. Рагулин Д. Д. Реализация принципа народовластия в организациях местного самоуправления зарубежных стран СНГ и Балтии: Автореф. дис. – д-ра юрид. наук – М., 2000; Леонова А. Местное самоуправление: формирования компетенции, экологических и финансовых основ. Выпуск №4 – Алматы 2000. – С. 4–12; Леонова А. Местное самоуправление: опыт становления в странах содружества независимых государств – Выпуск №3 – Алматы. 2000. – С. 4–16; Кутафин О. Е., Фадеев Н. В. Муниципальное право Российской Федерации – М., 2000; Шеремет К. Ф. Становление правовой базы местного самоуправления в Российской Федерации. Местное самоуправление: современный Российской опыт законодательного регулирования / Под ред. К. Ф. Шеремета и И. Овчинникова. – М., 1998.

<sup>2</sup> Азизхұжаев А. А. Демократия – халқ хоziяйстни демократия – Т., 1996; Ұша мұсылыф. Дағылғыштың за маъннаны: – Т.: Шарқ, 1997; Бобокулов С. Мажалла мұлк ұкухы – Т.: Адолат, 1999; Ваҳабов А. Дағыл жаһонғынанған мажаллы башқаруға за ўзини ўзи башқарыши органдар // Ўзбекистон Республикасында мұстакил дағыл – Т.: Адолат, 1995. – В.130–145; Жалилов Ш. И. Дағыл жаһонғынан мажаллы органдар истихъоты: тақириб ая мұымылар – Т., 1994. – В.192. Ұша мұсылыф. Мажалла жаһонғынанған дағылда – Т., 1994. Ұша мұсылыф. Мажалла: ўзини ўзи башқарыпшынан ұкухынан қаролтады – Т., 1999; Ұша мұсылыф. Күчли давлатдан – күчли жаһынан сары тақириб, таджид, амалыт – Т., 2001; Исломов З. Общество, государство, право. Тенденции и перспективы развития – Т.: Адолат, 1997; Комилов К. К. Ўзбекистон Республикасы Конституциясында ассоциация фуқароларнинг ўзини ўзи башқарыши органдар // түркисидеги конунға тәкелүшліктиң заруриғы түркисидеги фикер де мұлдаузылар // Ўзбекистон Республикасы Конституциясында ассоциация фуқароларнинг ўзини ўзи башқарыши органдар // түркисидеги – Т., 1997. – Б. 149–151; Сайдов А. Х. Мажалла на ўзини ўзи башқарыши органдар: еркисшілдіктерине за заманнандаштырылыш // Демократизациялықтар на инсан ұкурудары – Т., 2000. – №1. – Б. 11–17; Сиддиков Р. Р. Местные органы власти и местное самоуправление: теоретические и организационно-правовые проблемы. Автореф. дис. – д-ра юрид. наук – М., 1993. – С. 37; Сувонқулов М. И. Ўзбекистон Республикасыда фуқаролар ўзини ўзи башқарыши органдарға фәлділдік назарий құкықтың мисалдары – дис. автореф. – Т., 2002; Хусанов О. Т. Ўзбекистон Республикасынан Конституциясында мажаллы дағыл жаһонғынан ассоциация: ұкухынан, ташкынын мисалдар – дағыл фанарлы докторы – дис. – Т., 1995; Ұша мұсылыф. Мұстакиллик на мажаллы жаһонғынан – Т.: Шарқ, 1996. – Б. 62; Ұша мұсылыф. Дағыл жаһонғынан вакылдары на ўзини ўзи башқарыши органдардан фәлділдік ташкынын этицилдік – Т.: Университет, 1996. – Б. 150. Ұша мұсылыф. Ўзбекистон Республикасыда дағыл органдары – Т., 1996; Тұлаганов А. Т. Дағыл жаһонғынан вакылдар на ўзини ўзи башқарыши органдардан ташкынын этицилдік – Т., 1996; Ұша мұсылыф. Дағыл жаһонғынан вакылдар на ўзини ўзи башқарыши органдардан ташкынын этицилдік – Т., 2002; Халилов Э. Деятельность Ольй Мажлиса по повышению роли органов самоуправления граждан в строительстве правового гражданского общества // Общественные науки в Узбекистане – 1999. – №1–2. – С. 3–11; Чориёров У. Башқаруға органдар ташкынын этицилдиң за фаолиятпеншіл демоқратик қоидалар // Демоқратик дағыл сары – Т., 1993.

Қорақалпогистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақоми яхлит илмий мавзу тарзида ўрганилмаган бўлса-да, бир қанча илмий ишларида мазкур мавзунинг айрим жиҳатлари тадқиқ этилган. Жумладан, А.Абдужалеев, Л.М. Ахунжанов, Т. Кулумбетов, А.Раджапов – мавзунинг сабиқ Иттифоқ даври билан боялиқ жиҳатларини<sup>1</sup>, мустақиллик йилларида эса С.Д. Ниетуллаев Қорақалпогистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан маҳаллий давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатнинг ташкилий-хуқуқий жиҳатларини, Е.Д. Кутыбаева – мавзунинг умумий жиҳатларини тадқиқ этганлар<sup>2</sup>.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ва бошқа муаллифларнинг илмий асарлари тадқиқ этилаётган муаммони назарий мушоҳада килишда катта ёрдам кўрсатди.

Аммо бу ишлар муаммони тадқиқ этиш борасидаги изланишларни охирига етказиш учун етарли эмас. Зеро, уларнинг аксариятида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг айрим жиҳатлари қисман кўриб ўтилган ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги норматив-хуқуқий ҳужжатлар асосида ва бугунги кун шароитидан келиб чиқсан ҳолда тадқик килинмаган. Ушбу ҳолатларни инобатга олган ҳолда мазкур тадқиқот ишида Қорақалпогистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий мақомининг ташкилий-назарий ва амалий жиҳатларини яхлит илмий муаммо тарзида ўрганишга ҳаракат килинди.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Диссертацияда кўзланган **мақсад** – Қорақалпогистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақомини ҳамда фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиши билан боялиқ муаммоларни яхлит тарзида тадқиқ этиш, Қорақалпогистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатларга изоҳ бериш, уларни ҳозирги замон талабларига жавоб бериши даражасини аниқлаш ва такомиллаштириш борасида тегишли таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

<sup>1</sup> Абдужалеев А. "ККАССРдым жергиликли советларин дузигу, беккемлеу, бундан былай раўажлландырыу". Юридика илимлериини кандидаты – Т., 1965; Ахунжанов Л.М. Совет Каракалпакстанында социалистлик измалекетшиликти дузигу ҳэм раўажлландырыу. – Нокис, 1984. Уша муаллиф Каракалпакстан Республикасынын миллий мэмлекетшилигини қалишесиүй ҳэм раўажлланыўы – Т., 1992; Кулумбетов Т. ККАССР Жокарыи Совети-ККАССР мэмлекетлик хакимияттын жокарыи уйлами: Юридика илимлериини кандидати. Авторефераты – Т.: УзССР ИА баспасы 1962; Уша муаллиф. Каракалпак халқы Совет мэмлекетшилигини раўажлланыўы – Нокис. 1996; Раджапов А. Министрлар Советини дузигу ҳэм онин жумысы: Юридика илим. дис. авторефераты – Т., 1965.

<sup>2</sup> Ниетуллаев С.Д. Совершенствование государственного строительства в Республике Каракалпакстан. Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Т., 1993. – С. 24–26; Кутыбаева Е.Д. Органы исполнительной власти Республики Каракалпакстан. Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Т., 1999. – С. 34–36.

## **Тадқиқотнинг вазифалари қўйидагилардан иборат:**

— Қорақалпостон Республикасида фуқароларнинг ўзини бошқариш органлари ҳуқуқий асосларини Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти сари амалга оширилаётган ислоҳотларга монанд равишда такомиллаштириш;

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тузилишини демократик ривожланган давлатлар тажрибаси асосида тадқиқ этиш;

— Қорақалпостон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларини, уларни амалга ошириш шакл ва усуулларини таҳлил этиш;

— фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкил этиш, уларнинг мустақиллигини таъминлашда давлат ҳокимият органлари билан муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиши механизмини ўрганиш;

— фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг кафолатларини тадқиқ этиш;

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида аҳоли иштирокини таъминлаш масалаларини ўрганиш;

— Қорақалпостон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган илмий ва амалий хуросаларни шакллантириш;

— Қорақалпостон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштириш борасида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва бошқалар.

**Диссертация обьектини** Қорақалпостон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ жараёнлар, ижтимоий-ҳуқуқий муаммолар ташкил қиласди.

**Тадқиқотнинг методологик ва илмий-назарий асосларини** Ўзбекистон Республикасини Президенти И. Каримовнинг фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат куриш, хусусан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга оид фикр-мулоҳазалари, кўрсатмалари, фармонлари ва фармойишлари ташкил қиласди.

Тадқиқотда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Қорақалпостон Республикасининг Конституцияси, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуни, амалдаги бошқа қонунлари, қонун ости ҳужжатлари, умумэътироф этилган халқаро ҳуқук нормалари ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланилди.

Диссертациянинг назарий томонларини ёритища конституциявий ҳуқук соҳасида самарали фаолият кўрсатадиган А.А. Азизходжаев, О.Т. Ҳусанов, Ш.И. Жалилов, Ҳ.Т. Одилқориев, А.Х. Сайдов, С.А. Султонов, К.К. Комилов, А.А. Тўлаганов, С.Д. Ниетуллаев, Е.Д. Қутыбаева каби етук олимларнинг илмий асарларига асосланилди. Шунингдек, баъзи масалаларни тўлиқ

ёритиши ва қиёсий таққослаш мақсадида МДХга аъзо мамлакатларнинг олимларидан С.А. Авакъян, Г.В. Барабашев, В.И. Васильев, Е.Н. Козлов, М.А. Краснов, В. Кацо, О.Е. Кутафин, И.И. Овчинников, В.И. Постовой, Б.Т. Прохоров, Д.Д. Рагулин, А.Леонова, В.В. Таболин, Н.В. Фадеев, К.Ф. Шеремет каби олимлар яратган монография ва илмий мақолаларидан назарий асос сифатида фойдаланилди.

Тадқиқотни олдига қўйилган вазифаларни бажариш жараёнида фандаги тарихийлик, тизимлилик, қиёсий-хукукий, расмий-мантиқий, норматив материалларни тадқиқ қилиш, функционал тадқиқ қилиш, статистик ва бошқа **маҳсус билиш усууллари**дан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Муаллиф илк маротаба суверен Қорақалпоғистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари хукукий мақомининг назарий ва амалий жиҳатдан монографик тарзда комплекс ўрганиш ва таҳлил қилишга уринди. Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги конституциявий-хукукий нормаларга баҳо берилди ҳамда у билан боғлиқ ижтимоий-хукукий муаммолар ўрганилиб таҳлил қилинди, қонунни кўллаш амалиётида учрайдиган хатолар аниқланиб, уларни бартараф қилиш йўллари кўрсатиб берилди.

Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳимояга олиб чиқилаётган кўйидаги қоидаларда намоён бўлади:

- Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қабул қилинган қарорлар учун давлат олдига унинг тегишли органлари орқали жавобгар бўлиши лозимлиги асослаб берилди;
- Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятида “қонунийлик” тамойилининг бажарилишини назорат қилиш қонун билан прокурор зиммасига юкланиши мақсадга мувофиқ деб топилди;
- Қорақалпоғистон Республикаси Хукумати томонидан тасдиqlаниши лозим бўлган “Фуқаролар йигини тўғрисида”ги Намунавий низомнинг ишлаб чиқиш зарурати асослаб берилди;
- Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари низомларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг бурчлари, хукуқларини белгилаш таклиф этилди;
- Тўпланган амалий тажриба асосида туман ва шаҳар ҳокимларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тегишли норматив хужжатларни тайёрлаш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этилди;
- Туман ва шаҳар ҳокимликларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан боғлиқ қарорларни тайёрлаш бўйича намунавий қоидалар бўлиши лозимлиги тавсия этилди;

- “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунда кўрсатилган асосий тамойиллар жумласига қўшимча қилиб “худудийлик” тамойилини белгилаш исботлаб берилди;

- Янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунга йиғин раиси (оқсоқоли)ни сайлашда тегишли туман, шахар ҳокимининг иштирок этиши мақсадга мувофиқ эмаслиги асослаб берилди.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти.** Илмий ишда келтирилган қоидалар ҳамда натижалардан “Ўзбекистон Республикасининг конституциявий хукуқи”, маъмурий хукуқ, “Ўзбекистон Республикасида демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” каби фанларни ўқитиша, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш муаммолари билан боғлиқ илмий тадқиқотларда, тегишли қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишида ҳамда Ўзбекистон Республикасида, хусусан суверен Қорақалпоғистон Республикасида фаолият кўрсатаётган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ишида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг синондан ўтганлиги.** Ишнинг асосий мазмуни ва назарий натижалари муаллифнинг эълон қилинган б та илмий мақоласида ўз аксини топган. Тадқиқотнинг натижалари асосида қилинган назарий холосалар ва амалий тавсиялар бир неча илмий ва илмий-амалий анжуманларда, жумладан “Ўзбекистон Республикаси парламенти: Бугуни ва истиқболи” (2002 йил 5 март), “Ўзбекистон Республикаси Конституяси -давлат ва жамият ислоҳотининг ҳукукий асоси” мавзуидаги илмий-амалий анжуманларда ҳамда ва бошқа йиғилишларда эълон қилинган. Шунингдек, ундаги холоса ва қоидалардан Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг амалий фаолиятида, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ўқув жараёнида, ўқув-методик материалларда фойдаланилмоқда.

**Диссертациянинг тузилиши.** Тадқиқот ишининг тузилиши, унда таҳлил қилинган муаммоларнинг мөҳиятидан келиб, кириш, уч боб, олти параграф, холоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва диссертация ишига иловалардан ташкил топган.

## II. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг биринчи бобида Қорақалпоғистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариши органлари тушунчаси, уларни хуқуқий мақомининг назарий-хуқуқий асослари тадқиқ этилади. Биринчи бобнинг биринчи параграфида ўзини ўзи бошқариш ғояларининг моҳияти ҳамда уларнинг Қорақалпоғистон Республикасида шаклланиши Наршаййнинг "Бухоро тарихи" номли асарида, Амир Темур "Темур тузуклари"да, А. Навоийнинг асарларидаги маълумотлар асосида таҳлил қилинди. Яъни тарихий ёндошув орқали мамлакатимизда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришини умумэътироф этилган нормалари ва тамойилларининг мазмуни очиб берилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органлари - маҳаллий жамоаларининг фаолиятининг демократик кўринишларидан бири бўлиб, жамият ишларни бошқаришда қатнашиш хукуки ёки кўпчилик хозирги замон давлатларида барпо этилаётган демократик тамойилларнинг янгича таркибий амалий қисми эканлиги ушбу бобнинг холосаси сифатида асослаб берилди.

Лекин жамият ишларини бошқарувининг халқчил, бошлангич, шу билан бирга катта ҳуқуқ ва ваколатларга эга бўлган бўгини Собиқ Совет Иттифоқи, унинг таркибидаги Республикаларда "Бутун ҳокимият Советларга" деган шиорлар билан барбод қилинди. Щундай йўл билан буюк қадриятларимиз ва маданиятимизнинг бешиги бўлган, маҳалла замирига болта урилди. Уни эскилиқ сарқити, диний урф-одатлар макони сифатида баҳолаб, одамлар етти отасини билиш у ёқда турсин, зиёли, саводли ота-бобосини яхши билмайдиган, ўзлигини, тишини, динини унутган манқурт кишиларга айлантирилмоқчи бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси таркибида Қорақалпоғистон Республикасининг мустақилликка эришишининг дастлабки кунлариданоқ мустақиллик мағкураси тан олган демократик тамойилларга асосланган давлат қурилишининг модели росмана амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов раҳбарлигига ишлаб чиқилган миллий ривожланиш концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида қисқа муддат ичida мамлакатда янги ижтимоий-сиёсий тузум дунёга келди ва унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат қурилиши соҳасида ўзининг илк бор қадамини қўйди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатимиз ҳаётидаги катта сиёсий ва тарихий воқеа бўлди. Унинг XVII боби (70-75-моддалари) Қорақалпоғистон Республикасининг ҳуқуқий мақомига багищланган бўлиб, унинг 71-моддасида: "Қорақалпоғистон Республикаси ўзининг Конституциясига эга" — деб кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши билан унинг асосида 1993 йилнинг 9 апрелида Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ишлаб чиқилиб, қабул

қилинди. Шундай қилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясида давлат ҳокимияти органлари тизими мустаҳкамланди ва уларнинг фаолияти ижтимоий ва ҳуқуқий муносабатларда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинларини таъминлашга қаратилиши алоҳида мустаҳкамланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 99-моддасида: "шаҳарчаларда, қишлоқларда, шунингдек, шаҳарларнинг макон-кенгашларида раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари 2,5 йил муддатта сайланадиган фуқаро йигинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб ҳисобланади" — дейилган. Бундан ташқари, "Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, уларнинг ишларини ташкил қилиш ваколатлари қонун билан тартибга солинади" — деб белгиланади.

Ушбу конституциявий нормага мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг XXI чақириқ 14-сессиясида (1993 йил, 24 декабрь) "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қорақалпоғистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Қонунни кучга киритиш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси маҳсус қарор қабул қилди. Бу қарорга мувофиқ, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун қабул қилинган кундан бошлаб кучга киритилди. Жўқорги Кенгес ўз қарори билан республика Вазирлар Кенгесига вазирликлар ва ҳокимларнинг шунга боғлиқ ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қонунга мувофиқлаштирилиши белгилаб берди. Мазкур қонун 8 бўлим, 25 моддадан иборат бўлиб, умумий қисм, 1 бўлим 4 моддани ўз ичига олади. Қонуннинг 1-моддасида "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари"га ҳуқуқий тушунча берилди.

Хулоса қилиб айтганда, янги таҳрирдаги қонунга мувофиқ, маҳалла йигинларининг ваколатлари мумкин қадар кенгайтирилган. Бу эса ўз навбатида, **биринчидан**, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш даврида фуқароларнинг жойлардаги давлат ва жамият ишларини бошқаришда тўлиқ иштирок этишларини таъминлайди, **иккинчидан**, фуқаролик жамияти халқни давлат ҳокимиятига яқинлаштиради, жойларда адолатни амалга оширилишида, Конституция ва қонунларнинг давлат ва жамиятдаги устунилигига эришишига шароит яратади.

Биринчи бобнинг **иккинчи параграфида** Қорақалпоғистон Республикасида **фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари ва уларни амалга оширишининг ҳуқуқий асослари тадқиқ** этилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов: "Ўзини-ўзи бошқаришнинг халқимиз урф-одат ва қадриятларига хос бўлган ҳудуди маҳаллалар тизими сўнгги йилларда катта обрўга эга бўлмоқда. Улар амалда ўз ҳуқуқларида барча ишлар учун жавобгар, сабаби маҳалланинг қўлидан келмайдиган иш йўқ",<sup>1</sup> - деган эди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсан. Т. 2. - Т.: «Ўзбекистон», 1996. 281-б

Қорақалпогистон Республикаси «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунининг 11-моддасида шаҳарча, қишлоқ макон кенгаши йигинининг ваколатлари белгиланган. Унга мувофиқ шаҳарча, қишлоқдаги макон кенгаши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан қонун хужжатлари билан белгиланган масалаларни ўзи кўриб чиқиши ва ҳал қилиш хукуқига эга.

**Фуқароларнинг ўзини-ӯзи бошқариш органлари** деганда, фуқаролар йигини тушунилади. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қорақалпогистон Республикасининг қонуни фуқаролар йигини кенгашининг ваколатларини белгилаб беради. Ушбу қонунининг 12-моддасига мувофиқ, фуқаролар йигинининг қарорларини бажариш ва кундалик ишларини амалга ошириши учун фуқаролар йигинининг раиси, унинг масалаҳатчилари, фуқаролар йигини фаолиятининг асосий йўналиши бўйича комиссияларнинг раислари ва йигинининг маъсул котиби таркибида фуқаролар йигинининг Кенгashi тузилади.

Фуқаролар йигини Кенгashi фуқаролар йигинини чақиради, фуқаролар йигини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ишни мувофиқлаштиради, фуқаролар йигини раисининг таклифи билан фуқаролар йигини Кенгашининг таркибини тузади, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпогистон Республикаси Жўкорми Кенгеси, ҳалқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари депутатларининг уларнинг сайловчилари билан учрашувларни ташкил қиласди, фуқароларни қабул қилишда, уларнинг ўз сайлов участкаларида ўз хукуқларини амалга оширишида кўмаклашади, оммавий, сиёсий, маънавий, маданий, спорт ва шунингдек бошқа тадбирларни ўтказишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ёрдам беради ва қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириши мумкин. Ушбу қонун хужжатларида белгиланган ваколатларни амалга ошириш механизмини янада тақомиллаштириш бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир.

Дисертациянинг иккинчи бобида фуқароаларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш жараёни ўрганилди. Мазкур боб икки параграфдан иборат бўлиб, унинг биринчи параграфида Қорақалпогистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқарип органларининг мустақиллигини таъминлаш масалалари таҳлил этилди. Ушбу принцип ривоҷланган демократик давлатлarda маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимининг асосий мезонларларини белгилаб, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятга молик вазифаларни бошқа органлардан мустақил равишда амалга оширилишини англатади.

Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгесининг ўз ваколатлари доирасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ишларига тегишли бўлган айрим қарорларининг таҳлили фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мустақиллигини

таъминлаш масалаларини Ўзбекистонда ҳам долзарб масалалардан бири эканлигини тасдиқлайди. Жумладан, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Конгреси 2000 йил 1 декабрда (N 248/10) "Хўжайли тумани ҳокимининг ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун талабларига мувофиқ ишларни ташкил қилишга раҳбарлиги хақида" қарор қабул қиласан<sup>1</sup>. Ушбу қарорнинг мазмуни "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ти Қорақалпогистон Республикаси қонунининг 7-моддасига зид эканлигини яққол кўриниб турибди. Унда "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари таркибига кирмайди", - дейилган. Демак, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари таркибига кирмайдиган ташкилот устидан Хўжайли тумани ҳокими раҳбарлик қила олмайди. Афсуски бундай қарорлар кўп бўлиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигига салбий таъсир қиласади.

Хулоса қилиб айтганда, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Конгреси ва ҳокимлар томонидан қабул қилинган қарорларнин кўпчилиги қонун талабларига зид келади. Шу сабабли Қорақалпогистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мустақилигини таъминлашда ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш долзарб масалага айланмоқда. Бунинг учун Адлия вазирлигига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти билан боғлик масааалаларга доир норматив ҳуқуқий хужжатлар қабул қилишга доир ўкув-методик кўлланмалар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Иккичи бобнинг иккичи параграфида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришни ташкил этиши таҳлил этилган.** Фуқаролар ўзини ўзи бошқаришни ташкил этиши масалалари кент қамровли бўлиб, кўплаб норматив-ҳуқуқий хужжатлар билан тартибига солинади. Ушбу жараёнда бир неча давлат органлари иштирок этиб, бунда Қорақалпогистон Республикасининг Жўқорги Конгреси етакчи ўрин эталлади. Жўқорги Конгреси ваколатларига Қорақалпогистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларини қабул қилиш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва ҳоказолар берилган. (Қорақалпогистон Республикаси Конституциясининг 76-моддаси)<sup>2</sup>.

Юқорида зирк этилган конституцияий нормалардан келиб чиқсан ҳолда, Қорақалпогистон Республикаси Жўқорги Конгреси Республика Конституцияси ва қонунларини қабул қилиш орқали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди. Қорақалпогистон Республикаси Конституциясининг 3-моддасида Қорақалпогистон Республикаси ўзининг маъмурий-худудий тузилиши масалаларини мустақил ҳал қиласади, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди" - деб кўрсатилган. Шунингдек, Конституциянинг

<sup>1</sup> Каракалпакстан Республикаси Жоқарги Конгресинин агымдаги архиви. 2000.

<sup>2</sup> Каракалпакстан Республикасынын конституцияси. Нокис, 1998. — Б. 30.

бешинчи бўлими давлат ҳокимиятининг ташкил этилишига бағишлоланган Конституциянинг XVII боби 70-моддасининг 14-бандида Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Қорақалпогистон Республикасининг Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар белгилаш", "Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳақида"ги қонунининг 4-моддасида эса "Республика ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимининг ваколатларини белгилаш" (14-банд), каби нормалар жой олган. Юқорида таъкидланган қонунининг 4-моддаси 14-банди Қорақалпогистон Республикаси Конституцияси 3-моддасининг нормаларидан келиб чиқсан ҳолда тузилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу нормалар Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига аралашади деган қоидаларни ўрнатмайди. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қорақалпогистон Республикаси қонунининг 7-моддасида белгиланганидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари таркибига кирмайди. Мазкур нормадан келиб чиқиб, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қорақалпогистон Республикаси қонунининг 8-моддасига кўра, фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчиларини ҳоким билан келишилган ҳолда сайлаш мантикий эмас.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, кўпчилик ҳозирги замон давлатларида жойлардаги барча ишларни бошқариш умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳукуқи асосида яширин овоз бериш йўли оркали тузиладиган махсус маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, томонидан амалга оширилади. **Маҳаллий ёки муниципиал ўзини ўзи бошқариш** - бу муайян давлатнинг у ёки бу маъмурий-худудий бирлигини, халқининг иродасини тўғридан-тўғри ифода этадиган, махсус сайланган органлар томонидан маҳаллий ишларни бошқаришини амалга оширишнинг тизими бўлиб хисобланади. Қорақалпогистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ташкилий, иқтисодий ва молиявий мустақилигини таъминлаш уларни самарали фаолиятининг асосий омилийdir.

Диссертациянинг учинчи бобида юқоридағи таҳлиллар асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини такомиллаштириш истиқболларини белгилашга ҳаракат қилинган. Ушбу бобнинг биринчи параграфида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришга кўмаклашиш масалалари тадқиқ этилган. Зоро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов: "Маҳаллий ҳокимият органларининг мунтазам тизимини фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу органларнинг асосини фуқаролар йигинлари — маҳаллалар ташкил этади. Улар халқнинг тарихий анъаналари ва

рухиятини хисобга олиш асосида тузилган. Ўз-ўзини бошқаришнинг муҳим ижтимоий органи бўлмиш маҳалланинг аҳамияти ҳамиша жуда юқори бўлган<sup>1</sup> лигини таъкидлайди.

Юртбошимиз сўзидан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш керакки, маҳалланинг давлат ва жамиятдаги ўрни, аҳамияти каттадир, шунинг учун фуқаролар йигини, маҳалланинг ишларини яхшилаш ва такомиллаштириш демократик ҳукуқий давлат барпо этишининг муҳим омилидир. Шу боисдан Қорақалпогистон Республикаси "Жўқорги Кенгеси қўмиталари ва комиссиялари ҳақида"ги қонунининг 2-моддасидан келиб чиқсан ҳолда, Қорақалпогистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ташкил қилингандан ишчи гурӯҳи 2000 йил июн-июл ойларида Қўнтироғ туманида бўлиб, ҳудудда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг амалга оширилаётган ишлари диккат билан ўрганилди. Жўқорги Кенгес қўмитаси томонидан бу муҳим масалани ўрганиш натижаларини Жўқорги Кенгес Президиумида кўриб чиқишни таклиф қилинди. Президиум 2000 йил 28 июлда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қорақалпогистон Республикаси қонунининг Қўнтироғ туманида бажарилиши ҳақида қарор қабул қилди<sup>2</sup>. Президиум мажлисида Жўқорги Кенгес томонидан 1999 йил 28 августда янги таҳрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қорақалпогистон Республикаси қонунининг асосий мақсади ва мазмуни тўғридан-тўғри фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳукуқий мақомини янада кўтариш, уларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, давлат бошқаруви устидан жамоат назоратини кучайтириш масалаларини ҳал этиш муҳим ўрин эгаллаган.

Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгесига фуқаролар йигини ҳақидаги намунавий режасини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятларининг норматив ҳукуқий базасини яратиш ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиб, жойларга юбориш топширилди. Жўқорги Кенгесининг қарори билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва ҳукуқий ислоҳотларни чуқурлаштиришда ҳалқнинг кенг оммасини жалб қилиш орқали ёш авлоднинг маънавий-ҳукуқий тарбиясини, хотин-қизлар ва ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, виждан эркинлиги ва динин ташкилотлар тўғрисидаги қонунлар талабларини бажарилиши йўлида қонунлар билан белгилаб берилган ўз ҳукуқ ва вазифалардан самарали фойдаланиш, жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари, жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликни йўлга куйиш таклиф қилинди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ҳафсизлик ва баркарор тараккиёт йўлида Т.б. - Т.: «Ўзбекистон», 1998. 139-б.

<sup>2</sup> Каракалпакстан Республикаси Жўқорги Кенгесинин ағымдаги архиви, 2000.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини Вазирлар Кенгеси томонидан қўллаб-кувватлаш масалалари "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ти Қорақалпогистон Республикаси қонунининг бир қанча нормаларида аниқ кўрсатиб берилган. Масалан бу қонунинг б-моддаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фоалиятини давлат томонидан қўллаб-кувватланишига багишланган. Унда, "давлат ҳокимияти бошқарув органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тузилиши ва ривожланиши учун тегишли шароитлар яратади, уларнинг фоалиятига аралашишга йўл кўймайди, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши билан боғлиқ хукуқларини амалга оширишда ёрдамлашади", – деб белгиланган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонуннинг талаби Қорақалпогистон Республикасининг барча ҳудудида жойлардаги давлат ҳокимияти органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий техник баъзасини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Уларни иморатлар, телефон ва бошқа зарур бўлган нарсалар билан таъминлайди. Бу ҳақда ҳокимларнинг тегишли қарорлари қабул қилинган. Масалан, Нукус шаҳри ҳокими 1996 йилнинг 8 апрелида "Туар жой фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ишини юритиш учун жой билан таъминлаш тўғрисида" 94/4-1 сонли қарор чиқарган.

Амалдаги аҳволнинг таҳлили шуни кўрсатадики, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантиришга оид давлат сиёсатини юритишда чукур ва пухта ўйлаган илмий назарий концепция ишлаб чиқилиши лозим. Концепция асосини эса, шубҳасиз, Президентимиз томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларни ривожлантириш, фуқаролик жамятини шакллантириш, инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш, демократик институтларнинг бу соҳадаги вазифаларига оид билдирган кўплаб назарий таклифлари ва гоялари ташкил этилиши муҳимдир. Концепцияда миллий истиқлол гоясини ҳар томонлама мустаҳкамлашга қаратилган кўпфирқлилик, бағрикентлик ва ҳамжиҳатлик тамоийлари ҳамда қоидаларининг мұжассамлаштирилиши унинг устуворлигини таъминлайди.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфида **фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вазифаларини ўтказиш масалалари атрофлича таҳлил этилган**. Унда давлатчилигимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг муайян вазифаларини бевосита халқقا топшириш, яъни ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш муамолари кенг ёритилган. Зеро, давлат бошқаруви жаҳон амалиётининг далолат беришича, маҳаллий даражадаги масалалар ўзини ўзи бошқариш органлари орқали самаралироқ ҳал қилинади, чунки, энг аввало, маҳаллий ҳокимият органлари ишларнинг "кўйи" даги асл ҳолатидан яхшироқ хабардордирлар ва уларни хисобеиз кўп маротаба

ҳокимиятнинг “юқори” поғонаси билан келишгандан кўра, тезкор равишида қарор қабул қила оладилар, иккинчидан эса, буларнинг натижасида ҳалқ билан “жавобан алоқа” ўрнатишга имконият яратилади.

Марказий давлат ҳокимиятининг бир қанча ваколатли функцияларини маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилималарига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш фуқаролик жамиятини куришнинг асосидир<sup>1</sup>. Бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этишининг кўплаб шакллари ишлаб чиқилган бўлиб, уларни ўрганиш фойдадан холи бўлмас эди.

Агарда ривожланган демократик давлатлар тажрибаси таҳлил қилинса, XX асрнинг сўнгиги чорагида Европа давлатларида давлат бошқарувининг ислоҳоти, яъни марказий давлат органлари ваколатларини маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш жараёни оммавий тусга кирди. 25-35 йилдан бери давом этаётган бу жараённи илмий таҳлил қилиш, мазкур давлатларда олиб борилган изланишларни ўрганиш биз учун ҳам муҳимдир. Чунки давлат ҳокимияти органлари ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш ўтиш даврининг янги босқичида, ҳукумат маҳаллий даражадаги эмас, балки умумдавлат стратегик масалаларига диққатни жамлашга, давлат бошқаруви ва стратегик режалаштиришнинг самарадорлигини оширишга, марказий давлат органларининг сони ва тузилишининг оптималлаштиришга, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнини тезлаштириш имконини яратади.

Бизнинг фикримизча, давлат органларининг ижтимоий таъминот, уй-жой савдосини расмийлаштириш, паспорт тизимиға риоя қилишни таъминлаш, ишсизларни рўйхатга олиш ва ишга жойлаштириш юзасидан тавсиялар бериш, маданий-маърифий, тарбиявий ишларни олиб бориш, барча маҳаллалар ҳудудида кутубхоналар ва кироатхоналар ташкил этиш; ёдгорликлар, қабристонлар, муқаддас қадамжоларнинг сакланиши ва фойдаланилиши устидан назорат ўрнатиш, маҳаллий соликлар ва маҳаллий бюджетнинг пастдан юқоригача шаклланишида ва юқоридан пастгача тақсимланишида қатнашиш, маҳаллалар ҳудудида тегишли ижтимоий инфратузилмани, гузарларни барпо қилиш, ижтимоий иншоотларни таъмиглаш ва улардан фойдаланиш масалаларини маҳаллалардаги ўзини ўзи бошқариш органлари доирасида ҳал қилиш, маҳаллалар ҳудудидаги давлат тибиёт масканларининг хўжалик фаолиятини ташкил қилиш орқали ёшларнинг оммавий спорт ўйинларини ташкил этиш каби ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш бошқарув самарадорлигини оширишга хизмат қиласи.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга иштиљмоқда, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1999 й.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бу вазифаларни тўла бажара олиш қобилиятига эга бўлгач, уларнинг ўз ваколатлари доирасидан чиқмаган ҳолда бошқа органлар ваколат доирасига кирмайдиган ҳар қандай масала бўйича шахсий ташаббусларни рўёбга чиқаришда тўла мустақил фаолият кўрсатиш ҳукуқига эга бўлишларига эришиш давр талабидир.

### ІІІ. ХУЛОСА

Қорақалпогистон Республикаси давлатимиз, жамиятимиз хаётида, худудларимиз орасида бошқа халқлар билан қиёслаб бўлмайдиган ўзига хос алоҳида ҳукуққа эга. Сабаби, Қорақалпогистон Республикаси кўп миллатли Ўзбекистон Республикасида, Ўзбекистон давлати ва жамиятида ўзига хос муносиб ўринни эгаллайди. Бизнинг умуммиллий урф-одатларимиз жуда яқин бўлса ҳам, Қорақалпок халқи ўзининг қадимиј тарихи, урф-одатлари, ривожланиш дастури, тили ва маданиятига хос такрорланмас томонлари билан ажralиб туради. Ўзбекистоннинг давлат сиёсатини амалга оширишда жамият курилишини ислоҳ қилишида бу ҳолатни асло эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси ва унинг ажralмас бир қисми бўлган Қорақалпогистон Республикасида амалга оширилаётган кенг ҳажмдаги демократик ислоҳотлар инсон ҳукуқларини ҳимоя қилишга қаратилган доно сиёsat, одил фуқаролик жамиятнинг таянчи бўлган ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамиятини янада оширмоқда. Умуман, ҳукукий демократик давлат қуришда маҳалла ўзини ўзи бошқариш органларининг роли каттадир. Негаки, "демократия" тушунчасининг ўзи ҳам ўзини ўзи бошқариш деган маънони англатади. Ўзбекистонда ҳам XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланишида биринчи устивор йўналиш — мамлакат сиёсий-иктисодий ҳаётини давлат ва жамият курилишини янада эркинлаштириш лозимлиги белтилаб олинди.

Шуни айтиш керакки, фўкарлар ўзини ўзи бошқариш органларини мамлакатимизда кечётган ислоҳотлардаги иштироқини кучайтириш, баъзи ҳолатларда уларнинг фаолиятига ҳокимият органларининг тўғридан-тўғри аралашиш ва бошчилик қилишни тўхтатиш, маҳаллий ҳокимият органларига муқобил жамоа органи сифатида қарап керак деган фикр шаклланмоқда. 1999 йил 28 августда қабул қилинган Қорақалпогистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунининг 7-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари таркибига кирмаслиги ўз аксини топди. Улар фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпогистон Республикаси Конституциялари,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ҳалқ ипончи - олий маъсулият.Т.; Ўзбекистон, 2000 йил, 40-бет.

қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, миллий ва руҳий қадриятларидан ва маҳаллий урф-одатлардан келиб чиқсан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш бўйича мустақил иш олиб боришлари қонунчиликда мустаҳкамланди. Бироқ юқорида зикр этилган ва амалиётда учрайдиган бошқа муаммолар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий мақомини янада такомиллаштириш заруратини кўрсатмокда.

Корақалпогистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақоми ва вазифаларини тартибиға солувчи, шунингдек, бу органларнинг иш амалиётини таҳлил ва тадқиқ қилиб чиқиши муаллифга Корақалпогистон Республикасидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг тузилишини ва ишини самарали ташкил этиш, шу билан бирга уларнинг ҳуқуқий мақомини ҳамда ваколатларини ойдинлаштирувчи қонунларни шакллантириш бўйича куйидаги хулосалар, таклифлар ва фикрларини айтиш имкониятини берди:

1. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этишнинг айрим муаммолари қонунчиликда ҳал қилинмаганлиги туфайли, бу борада олимлар тадқиқотлари, илгор фуқаролар йигинлари тажрибаларини умумлаштириш асосида ўқув-услубий қўлланмалар ишлаб чиқишина тақозо қиласди. Зоро, бутунги кунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тўғри ташкил этишда уларнинг ваколатларини амалга ошириш масалаларини белтилаш учун меъёрий ҳужжатларни қўллаш бўйича фуқаролар йигини раиси, Кенгаши ва комиссияларини ишини ташкил этишга доир методик қўлланмлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Шаҳарча, қишлоқ, овул ва уларнинг таркибидаги маҳаллаларнинг фуқаролар йигини Корақалпогистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бўлиб ҳисобланади. Уларнинг фаолияти фуқаролар йигинининг Кенгаши, фуқаролар йигини ишининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, фуқаролар йигинининг тафтиш комиссияси, туман марказидан узоқда жойлашган ва бориши қийин бўлган шаҳарча, қишлоқ ва овулларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда тузиладиган комиссияси каби шаклларда амалга оширилади. Корақалпогистон Республикаси Конституцияси, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўгрисида"ги қонунида белгиланганидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз фаолиятини маҳаллий аҳамиятдаги муаммоларни ҳал қилишида мустақиллик принципи асосида амалга оширади. Улар маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кирмаслиги уларнинг жавобгарлик масалалари кўрсатиш керак эмас деган фикрни келтириб чиқармайди. Фикримизча, жавобгарлик масалалари бўйича прокуратура органлари назоратини ўрнатиш ва суд қонунга аниқлик киритиш мақсадга мувофиқдир.

3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ишининг самарадорлиги уларнинг вакиллари ўртасидаги меҳнатни аниқ тақсимлашга бевосита боғлиқ. Лекин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ишини уюштириши ўрганиб чиқиши натижаси шуни кўрсатадики, уларнинг кўпчилигига аъзолар функциялари тақсимланганлиги ҳақидаги ҳужжатлар тузилмаган. Шунинг учун ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ривожлантириш учун қонунда белгиланганидек, фуқаролар йигини ҳақида намунавий режа Корабалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгеси томонидан кечиктирилмасдан тасдиқланиши шарт.

Унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг бурчлари, ҳукуқлари ишини ташкил қилишини белгилаб берилиши шарт. Унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ўртасидаги ишни тақсимлаш тамойилини ўрнатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўзини ўзини бошқаришни бундай ҳукукий тартибга солиши қонунийликнинг амалий кафолати бўлади.

4. Туман ва шаҳар ҳокимларининг ишларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш уларнинг ҳукукий актларининг сифатини яхшилаш зарурлигини кўрсатмоқда. Чунки Корабалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгеси, туман ва шаҳар ҳокимларнинг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига тегишли актларнинг сони ва сифати у ёки бу даражада назорат қилиниши долзарб масалага айланмоқда. Чунки чиқарилган актларнинг (шу билан бирга ҳокимликлар актларининг) баъзилари умуман амалдаги қонунчилик нормаларига зид келади. Корабалпоғистон Республикасида туман ва шаҳар ҳокимликларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти билан боғлиқ қарорларни тайерлаш ишлари умумлаштирилмаган. Шунинг учун Республика Адлия Вазирлиги томонидан туман ва шаҳар ҳокимликларида норматив актларни тайерлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиши, керакли услубий қўлланмаларни тайёрлаш ва ўқув курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

5. Корабалпоғистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ташкил этиш ва ҳукукий тартибга солишга доир ахборотни кенг халқ оммага етказиш етарли даражада йўлга кўйилмаган. Бу ҳолат Корабалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва ҳукумати актларининг расмий босмадан, нашрдан чиқарилмаслиги ва маҳаллий ҳокимият органлари ва газеталар ўртасида ҳамкорликнинг йўқлиги билан бевосита боғлиқ. Нашриёт фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиши шарт. Албатта оммавий ахборот воситаларини хабарларини ихтисослаштирилган нашрларга айлантириб юбориш ҳам нотўғридир. Лекин уларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ишлари тўғрисида ахборот бериш лозим.

Қоракалпогистон Республикаси Конституцияси ҳар кимнинг эркин турда маълумот излаш, олиш бериш ва тарқатиш ҳукукини кафолатлайди. Ҳалқнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан маълумот олишдаги бундай ҳукуқига кафолат берилган бўлиши шарт. Шунинг учун ҳам "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунда намунавий режа ва регламентларда, айрим ҳолларда эса махсус йўриқномаларда фуқароларга зарур бўлган маълумотларни беришнинг қоидаларини назарда тутиши шарт.

6. Янги таҳирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 20-моддасига кўра, фуқаролар йигинининг раис (оқсоқол)и фуқаролар йигини томонидан тегишли туман, шаҳар ҳокими билан келишилган ҳолда сайланиши белтилаб қўйилган. Ушбу модда илмий нуқтаи назардан таҳлил қилинганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳукуқларини чекланганилигини кўрсатади. Бу фуқаролар йигини (йигин раиси ва унинг маслаҳатчиларига) тақдим этган номзодлар ҳоким томонидан рад этилиши мумкин деган холосани келтириб чиқаради. Ваҳоланки, фуқаролар йигини раислигига муносиб шахсни ушбу ҳудуд аҳолиси жуда яхши билади. Шунга асосан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари нодавлат, мустақил ташкилот бўлганилиги сабабли раис (оқсоқол)ни сайлашда ҳокимнинг иштирок этиш ҳукукини бекор қилиш максадга мувофиқдир.

7. Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳукукий ҳолати такомиллашиб борар экан, давлат ваколатларини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш масалаларини илмий асосланган, комплекс амалга ошириш Дастурини ишлаб чиқиш ҳамда давлат ваколатларини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш масалаларини ҳукукий тартибига солиш, яъни "Давлат ваколатларини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ораганларига ўтказиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ишлаб чиқиши тақозо қиласди. Зоро, Қоракалпогистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришга боғлиқ қонунчиликнинг ривожланиши юртимизда ҳукукий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш масалаларини босқичма-босқич амалга оширишга имконият яратади.

#### **IV. ДИССЕРТАЦИЯ МАВЗУСИ БЙИЧА НАШР ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.**

1. Қорақолғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий статуси. // Билим. 2001. №4. 4,0 бт.

2. Қорақолғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг пайдо бўлиши ва ривожланишининг тарихий ва ҳуқуқий масалалари. // Қорақолғистон ўғитувчиси. 2000. №3-4. 94-101 б.

3. Ўзини ўзи бошқариш органларининг конституцион-ҳуқуқий статусининг ривожланиши муаммолари. // Хабарнома. 2001. №3. 65-67 б. (ҳаммуаллифликда)

4. Маҳаллий ҳокимият органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан муносабатларининг ҳуқуқий ҳолати. // Хабарнома. 2001. №4. 51-57 б.

5. Референдум – демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий томони. // Ўзбекистон Республикаси Парламенти: бутуни ва истиқболи: халқаро илмий-амалий конф. матер. тез. – Т.: ТДЮИ. 2002, 63-69 б.

6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – давлат ва жамият ислоҳотининг ҳуқуқий асоси. // илмий-амалий конф. матер. тез. – Т.: ТДЮИ. 2002, 227-232 б

Тадқиқотчи: \_\_\_\_\_

Юридик фанлар номзоди илмий даражасига талабгор Реймова Зухра Атабаевнанинг 12.00.02 – Давлат ҳукуки ва бошқарув; маъмурий ҳукук; молия ҳукуки иктиносиги бўйича “Қорақалпогистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳукуқий мақоми” мавзусидаги диссертациясининг

## ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ

**Калитли сўзлар:** ўзини ўзи бошқариш, ҳукуқий мақом, ваколат, фуқаролар йигини, Кенгаш.

**Тадқиқот объектлари:** Қорақалпогистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳукуқий мақомини белгилашга доир муносабатлар ҳамда уларни шакллантириш ва ваколатларини амалга ошириш жараёнидаги ижтимоий-ҳукуқий муаммолардан иборат.

**Ишнинг мақсади:** Қорақалпогистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳукуқий мақомини белгиловчи норматив-ҳукуқий ҳужжатларга изоҳ бериш, уларни ваколатларини амалга оширишининг шакл ва усусларини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқицдан иборат.

**Тадқиқот методи:** тарихийлик, тизимлилик, қиёсий-ҳукуқий, расмий-ҳукуқий, мавтиқий, функционал тадқиқ қилиш, статистик ва бошқа маҳсус билиш усуслари.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** муаллиф илк маротаба суверен Қорақалпогистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги конституциявий-ҳукуқий нормаларга баҳо берилгани ҳамда уларни ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий-ҳукуқий муаммолар ва амалиётида учрайдиган хатолар аниqlаниб, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб берилганида ифодаланади.

**Амалий ахамияти:** “Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳукуқи”, маъмурий ҳукук, “Ўзбекистон Республикасида демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” каби фанларни ўқитишида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш муаммолари билан боғлиқ илмий тадқиқотларда, тегишли қонун ҳужжатларини ишлаб чиқицда ҳамда Ўзбекистон Республикасида, хусусан суверен Қорақалпогистон Республикасида фаолият кўрсатаётган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ишида фойдаланиш мумкинлигига намоён бўлади.

**Тадбиқ этиш даражаси ва иктиносий самарадорлиги:** Тадқиқотдаги хулоса ва коидалардан Қорақалпогистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг амалий фаолиятида, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ўқув жарабёнида, ўқув-методик материалларда фойдаланилмоқда.

**Кўлланиш соҳаси:** Тадқиқот натижалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш ҳамда ташкил этишга доир муносабатлар билан белгиланади.

## **РЕЗЮМЕ**

диссертации Реймовы Зухры Атабаевны на тему “Правовой статус органов самоуправления граждан в Республике Каракалпакистан” на соискание учёной степени кандидата юридических наук по специальности 12.00.02 – государственное право и управление; административное право; финансовое право.

**Ключевые слова:** самоуправление, правовой статус, полномочия, сход граждан, Кенгаш.

**Объекты исследования:** составляют отношения по установлению правового статуса органов самоуправления граждан, а также социально-правовые проблемы формирования и организации их деятельности.

**Цель работы:** состоит в коментировании нормативно-правовых актов определяющих правовой статус органов самоуправления граждан и разработки рекомендаций по совершенствованию форм и методов их полномочий.

**Метод исследования:** исторический, системный, сравнительный, формально-юридический, логический, функциональный, статический и другие специальные методы познания.

**Полученные результаты и их новизна:** проявляются в том, что они впервые раскрывают проблемы осуществления полномочий органов самоуправления граждан в Республике Каракалпакистан и пути их решения, давая им конституционно-правовую оценку.

**Практическая значимость:** работы проявляется в том, что достигнутые ею результаты можно использовать при преподавании таких учебных дисциплин как “Конституционное право Республики Узбекистан”, “Административное право”, а также при исследовании деятельности органов самоуправления граждан, разработке соответствующих нормативно-правовых актов, в деятельности органов самоуправления граждан как в Республике Каракалпакистан, так и в Республике Узбекистан.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** результатов работы выражается в использовании их в практической деятельности органов самоуправления граждан и в учебном процессе Каракалпакского государственного университета имени Бердака. Другие предложения были рекомендованы соответствующим государственным органам, реализация которых повысит эффективность деятельности органов самоуправления граждан.

**Область применения:** результатов работы определяется отношениями формирования и организации деятельности органов самоуправления граждан.

## SUMMARY

On the dissertation work of Reymova Zuhra Atabayevna on the them: "Legal status of the self government bodies in Republic Karakalpakstan" Presented for the obtaining of a scientific degree - candidate of the juridical sciences on professions 12.00.02 - a state law and government; the administrative law; the financial law.

**The key words of research:** selfgovernment, legal status, authorities, slope of the people, Kengash.

**The object of research:** form the relations on determination of the legal status organ home rules of the people, as well as social-legal problems of the shaping and organizations to their activity.

**The purpose of the work:** consists in discribing normative-legal acts defining legal status organ home rules of the people and development recommendation on development forms and methods their authority.

**The method of the research:** history, system, comparative, formally-legal, logical, functional, steady-state and other special methods of the cognition.

**The results and their innovation:** reveal itself in that they for the first time discover the problems of the realization authority the self government bodies in Republic Karakalpakstan and way of their decision, giving them constitutional-legal estimation.

**The practical importance:** work reveals itself in that reached by her results possible to use such scholastic discipline under teaching as "Constitutional law of the Republic Uzbekistan", "Administrative law", as well as at study of activity the self government bodies in Republic Karakalpakstan, development corresponding to normative-legal acts.

**The level of the instillation:** result of the work is expressed in using them in practical activity the self government bodies, scholastic process Karakalpaskogo state university of the name Berdak. The Other offers were recommended corresponding to state organ, realization which will raise efficiency to activity the self government bodies.

**The area of use:** result of the work is defined by relations of the shaping and organizations to activity the self government bodies.

**Адади 100.  
«Академ-Хизмат» босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент, Ўзбекистон, 45.**